



КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги бизнес ва тадбиркорлик олий
мактабининг "Кичик бизнес ва тадбиркорлик" йўналиши магистратура
босқичи тингловчиси Эрманова Мунира Абдулладжановна*

Аннотация. Мазкур мақолада бугунги кунда Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашда валюта бозорининг роли ва унинг аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар келтирилган. Муаллиф томонидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар. макроиқтисодиёт, барқарорлик, валюта, бозор. Иқтисодиётини янада барқарор ривожлантириш ва ўзгартириш учун амалга оширилаётган вазифалардан энг муҳими, давр талабига тўлиқ жавоб бера оладиган банк тизимини ривожлантиришдан иборат. Жаҳон талабига тўлиқ жавоб берадиган саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини банкларнинг молиялаштириш сиёсати орқали қўллаб-қувватлашда тижорат банклари кредитларидан самарали фойдаланиш муҳим ва долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш борасида қуйидаги фикрларни яъни, “Тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва бу соҳа учун янги шароитлар яратишга барча имкониятларимизни сафарбар этяпмиз. “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга 5,9 триллион сўм кредитлар ажратилди” дея таъкидлаб ўтган¹ Дунё давлатлари тажрибасига назар соладиган бўлсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ҳамда барқарорликни таъминлашдаги аҳамияти тўғрисида илмий мақолалар изчил амалга оширилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий



тадбиркорлик асосан АҚШ, Германия, Хитой, Франция, Япония, Италия каби ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни барқарорлаштиришда катта аҳамият касб этади. «Халқаро кичик бизнес

Кенгаши (ICSB) маълумотларига кўра, кичик бизнес субъектлари барча корхоналарнинг 90% дан ортиғини, иш билан банд бўлганларнинг 60-70% ни, ялпи ички маҳсулотнинг 50% ни ташкил этади² Юртимизда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимини тубдан ислох қилиш орқали мамлакат иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш соҳасида тамомила янгича ёндашувлар ишлаб чиқилди, ислохотларнинг ҳар бир босқичида асосий мақсадлар ва устувор йўналишлар пухта белгилаб олинди. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бозор ислохотларининг муҳим йўналишини ташкил этади ва барқарор иқтисодий ўсишга кўмаклашади.

Иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тижорат банклари орқали молиялаштириш асосида қўллаб-қувватлаш бўйича биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тижорат банклари орқали молиялаштириш ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги энг принципиал масала иқтисодиётни модернизациялаш шароитида талабга жавоб берадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тижорат банклари орқали қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш фаолиятини ташкил этиш, ишлаб чиқаришини ташкил этишда тижорат банклари кредитларидан самарали фойдаланишдан иборат. Магистрлик илмий тадқиқот ишининг мавзуси юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда долзарблигини ҳисобга олган ҳолда танлаб олинди. Саноат тармоқларида кичик бизнесни ривожлантиришда тижорат банкларининг ролини ошириш ва уни таҳлил қилиш бўйича хориж олимлари бир қанча мақола ишларини олиб бориб асарлар яратган, улар банк сиёсатини олиб бориш масаласига эътибор берганлар. Бу хориж олимлари



жумласига К.Макконел, И.Липсиц, Дж.Лоренс, А.Бланк, С.Брю, В.Бернес, Л.Гитман, Т.Густафсон, А.Мертенс, В.Миловидов, П.Самуэльсон, А.Хавранек, М.Фридман, Е.Черкасов ва бошқаларни мисол қилиб айтишимиз мумкин. Саноат тармоқларида кичик бизнесни ривожлантиришда тижорат банкларининг ролини ошириш ҳамда кредитларидан самарали фойдаланиш борасидаги масалаларни комплекс ва изчил равишда ўрганиш, бу борадаги мавжуд камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш ва келажакда такомиллаштириш учун назарий ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Мақола вазифалари қўйилган мақсадни амалга ошириш мақсадида қуйидагилар белгилаб олинди: Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этишнинг назарий ва услубий асосларини ўрганиш;

- саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тижорат банклари орқали молиялаштиришнинг назарий ва услубий асосларини ўрганиш;

- Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

- Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки акциядорлик жамияти томонидан саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш ҳолатини таҳлил қилиш; - саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришини ривожлантириш йўллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг ролини ошириш йўллари бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Мақоланинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этишнинг назарий ва услубий асослари ўрганилди;

- саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тижорат банклари орқали молиялаштиришнинг назарий ва услубий асослари ёритиб берилди;



- Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти кўрсаткичлари таҳлил қилинди;

- ташқи иқтисодий фаолият миллий банки акциядорлик жамияти томонидан саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш ҳолати таҳлил қилинди;

- саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришини ривожлантириш йўналишлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

- саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг ролини ошириш йўллари бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг ролини оширишга таъсир этувчи омилларни ўрганиш. Мақола ишидан келиб чиққан ҳолда мақола фаразлари саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг ролини оширишга эришишдан иборат.

Президентимиз асарларида, етакчи иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг ушбу мавзуга оид илмий ишларида илгари сурилган ғоялар, фикр ва мулоҳазалар хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари,

Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа идораларнинг меъёрий ҳужжатларига, таҳлил олиб борилган «Ўзмиллийбанк» АЖ Тошкент шаҳар филиалининг охириги уч йиллик ҳисобот материалларига асосланилади.

Мақоланинг амалий аҳамияти шундан иборатки, саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг ролини ошириш йўналишларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Илмий тадқиқот ишида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти кўрсаткичлари таҳлили, Ташқи иқтисодий



фаолият миллий банки акциядорлик жамияти фаолияти тавсифи ва иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили ҳамда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки акциядорлик жамияти томонидан саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш ҳолати таҳлили каби масалалар ўрин олган ҳамда саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришини ривожлантириш йўналишлари ва саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг ролини ошириш йўллари кўриб ўтилган.

Тижорат банклари фаолиятининг кенгайиб бориши, ўз навбатида, улар томонидан берилаётган кредитлар, банклардаги депозитлар ва умумий капитал ҳажмига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ги Фармони. 12 май 2020 й.

JOURNAL OF MARKETING, BUSINESS AND MANAGEMENT(JMBM)/SJIF
FACTOR: 5.57

www.jmbm.uz VOLUME 2, ISSUE 3 (June) ISSN: 2181-3000 Page 76

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларида аҳоли омонатлар шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2017 йил 2 сентябрдаги Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет эл инвестициялари билан лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2017 йил 7 ноябрдаги Фармони.

4. <http://www.lex.uz> (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими)

5. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги)

6. <http://www.cbu.uz> (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).